*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч–адолатда

2020 йил
28 февраль,
жума
№ 9 (782)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Маълумки, ҳар қандай мамлакатда аҳолининг кам таъминланган қатлами мавжуд. Ўзбекистонда ҳам одамларнинг муайян қисми етарли даромад манбаига эга эмас.

Халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келажагимиз", "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Кейинги икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида бюджетдан қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Албатта, бу аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилди.

Камбағаллик юртимизда кўп йиллар "ёпиқ мавзу" бўлиб келди. Жорий йил 24 январь куни давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақда очиқ-ойдин гапирди ва тарихимизда биринчи марта камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

— Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Шунингдек, куни кеча Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда ҳукуматда алоҳида котибият ташкил этилди.

— Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан камбағалликка қарши курашишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда, аввало, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳволни таҳлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тузилиши белгиланди.

— Одамларнинг меҳнат қилиб, бой бўлиши ва яхши ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратишимиз зарур, — деди Президент.

Қайд этилганидек, тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Зарур инфратузилма яратиш учун Кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгалик ҳуқуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2020 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 26 февраль*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш,

педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мактабгача таълим қамровининг ошиши, 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг жорий қилиниши ҳамда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўламининг кенгайиши муносабати билан юқори малакали мутахассисларга нисбатан юзага келаётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган 1 та хорижий ва 4 та маҳаллий олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди, мазкур таълим соҳаси бўйича хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган таҳлил натижалари аввало таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш, шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. **Қуйидагилар педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш;

педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш;

педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш;

педагог кадрлар буюртмачилари эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истиқболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш;

олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ўқув дастурлари ҳажмини инобатга олган ҳолда олий маълумотли педагог мутахассислар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш мақсадида **педагогик таълим соҳасининг айрим таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалавриат таълим дастурлари доирасида амалга ошириш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. **2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалавриат таълим дастурлари асосида амалга ошириладиган педагогик таълим соҳасининг айрим бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Барча таълим муассасаларига замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қодир бўлган профессионал педагог кадрларни етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги:

2020 йил 1 апрелга қадар педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш жараёнида **абитуриентларнинг педагоглик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича таклифлар** ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кенг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилишини таъминласин;

2020 йил 20 апрелга қадар ишлаб чиқилган абитуриентларнинг педагоглик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича муҳокама натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

5. Ҳудудларда педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, таълим соҳаси учун мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

Самарқанд давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Самарқанд давлат университетининг Педагогика институти;**

Андижон давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Андижон давлат университетининг Педагогика институти;**

Бухоро давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Бухоро давлат университетининг Педагогика институти;**

Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали ҳамда Термиз давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Термиз давлат университетининг Педагогика институти;**

Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали ҳамда Қарши давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизида **Қарши давлат университетининг Педагогика институти** ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2020 йил 21 февраль № 04 Тошкент шаҳри

## Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида

**Суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи амалга оширилишини, шунингдек, судлар томонидан мазкур масалага оид қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судларга тушунтирилсинки, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан судлар суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратишлари лозим.

2. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, суд муҳокамаси ошкоралигини, фуқаролар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг судлар фаолиятига доир ахборотдан хабардорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Судлар тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, тегишлича, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (бундан буён матнда МЖтК деб юритилади) белгиланган тартибда амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Муносабат*

## Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илму маърифат



**Мен қарийб 26 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига алифбодан сабоқ бериб келаман. Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини мушоҳада этиб, айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади", деган сўзларидан жуда таъсирландим.**

(Давоми 4-бетда) ▶

**Маълумки, ер ресурсларига нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, улардан унумли ва самарали фойдаланиш халқимизнинг фаровон яшашини таъминлайдиган асосий манба саналади. Амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, Ер кодексининг 16-моддасида ер давлат мулки — умуммиллий бойлик эканлиги, ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва у давлат томонидан муҳофаза этилиши қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, ер давлат мулки бўлгани боис, у айирбошланмайди, ҳадя этилмайди ва гаровга қўйилмайди.**

*Қонун талаби*

## Ҳар ишнинг ўз сўрови бор

*қонун ўзбошимчаликни кечирмайди*



Айниқса, кейинги йилларда юртимизда мавжуд экин майдонлари, томорқа ерлардан самарали фойдаланиш, деҳқон-фермер хўжаликлари, томорқа ер эгаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада бундан бир йил муқаддам қабул қилинган "Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## Тўй, маърака ва бошқа маросимлар

*уларни ўтказиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда*

Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги Қўшма қарори билан тасдиқланган Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг ихчам ўтказилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига асосан ишлаб чиқилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ҚАРОРИ**

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 5-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагогика институтлари:

фаолиятини молиялаштириш 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, етмаган қисми олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

мақоми бўйича маҳаллий олий таълим муассасаси филиалига тенглаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган педагогика институтлари фаолиятини ташкил этиш;

уч ой муддатда **Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш** тўғрисидаги Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

8. **Тошкент давлат педагогика университетига** мунтазам илмий-педагогик фаолият билан машғул бўлган, юқори малакали, тегишли соҳада чуқур касбий билим ва ютуқларга эришган ходимларга **педагогика ва ўқитиш методикаси ихтисосликлари** бўйича **доцент** ва **профессор илмий унвонлари** бериш ҳуқуқи берилсин.

9. **2020/2021 ўқув йилидан** бошлаб:

а) қуйидаги механизмлар жорий этилсин:

тегишли ҳудудда 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан халқ таълими ва мактабгача таълим соҳаларида олий маълумотли педагог кадрларга **эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини** шакллантириш;

тегишли ҳудуддаги олий таълим муассасасида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан олий таълим соҳасида профессионал педагог кадрларга **эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича салоҳиятли олий таълим муассасалари магистратурасига давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини** шакллантириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси ўқишга мақсадли қабул қилинган талабалар билан **тегишли қабул йилининг 1 декабрь** кунига қадар мазкур банднинг "а" кичик бандида назарда тутилган мажбуриятларни акс эттирган шартномалар расмийлаштирилишини таъминласин;

в) дастлабки босқичда **Тошкент давлат педагогика университетида ўқув жараёни ўқув режа ва дастурлар такомиллаштирилган ҳолда таълимнинг кредит-модуль тизими** асосида ташкил этилсин;

г) педагогик фаолиятда умумтаълим фанлари муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда алоҳида иқтидор талаб этиладиган педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун **касбий (ижодий) имтиҳонлар билан биргаликда мажбурий учта - она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тест синовлари топшириш тартиби жорий қилинсин.** Бунда, қоида тариқасида, мажбурий учта фан бўйича тест синовлари касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари эълон қилинганидан сўнг ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Республика илмий-педагогика кутубхонаси фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида унинг негизида **Республика педагогик таълим ресурс марказини** ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларининг таклифлари асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида мазмун жиҳатидан ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича **асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация)** бериш тизимини йўлга қўйсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда педагогик амалиёт даврида талабаларга дарс беришлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

<u>Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Маджидов</u> — ташкил этилаётган педагогика институтлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарурий чоралар кўрсин, барча олий таълим муассасаларидаги **педагогика таълим соҳасининг** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида **ўқув жараёнини таълимнинг кредит-модуль тизими** асосида йўлга қўйилиши ҳамда ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича **асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация)** бериш тизими жорий этилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

<u>Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдураҳмонов, Бухоро вилояти ҳокими Ў.И.Барноев, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т.Мирзаев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А.Боболов</u> — ҳудудларда ташкил этилаётган **педагогика институтлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар;**

<u>масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари</u> — мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан зарур чоралар кўрсинлар;

<u>Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д.Хаджаев</u> — ушбу қарорнинг **мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.**

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2020 йил 27 февраль*

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*
**ҚАРОРИ**

# Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

3. Судлар фаолиятига доир ахборотни олиш ҳуқуқини фуқароларнинг тили, жинсий, ирқий, миллий мансублиги, диний, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб чеклашга йўл қўйилмайди.

4. Суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолиятига доир ахборотни олиш фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилиши ва судлов фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга олиб келмаслиги лозим, чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига кўра, судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

5. Тушунтирилсинки, оммавий ахборот воситалари муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан башорат қилишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга (босим ўтказишга) ҳақли эмас.

Судья суд қарори қонуний кучга кирмаган иш бўйича интервью беришга ёхуд оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас.

6. Суд муҳокамаси ошкоралиги процесс иштирокчиси бўлмаган шахсларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларига суд мажлисида қатнашиш имконияти берилиши билан таъминланади.

Очиқ суд мажлисларини процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар қатнашишини истисно этадиган биноларда ўтказишга йўл қўйилмайди.

Очиқ суд мажлисида процесс иштирокчиси бўлмаган вояга етмаганлар ҳозир бўлишига фақат тегишли процессуал қонун талабини инобатга олган ҳолда йўл қўйилади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг очиқ суд мажлисида иш бўйича маълумотлар олиш мақсадида қатнашиши маълумот олишнинг қонуний йўли эканлигини инобатга олиб, уларнинг қонунда назарда тутилмаган асосларга кўра, суд мажлиси залига киришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

7. Иш муҳокамаси тўлиқ ёки қисман ёпиқ суд мажлисида ўтказилишига фақат қонунда назарда тутилган асосларга кўра, йўл қўйилади (ФПК 12-моддаси иккинчи қисми, ЖПК 19-моддаси биринчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи қисмлари; ИПК 11-моддаси иккинчи қисми, МСИЮтК 13-моддаси иккинчи қисми).

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш тўғрисида суд асослантирилган ажрим чиқаради ва унда процесс иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд мажлиси залига эркин киришига тўсқинлик қиладиган аниқ ҳолатлар кўрсатилиши керак.

Иш ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисидаги маълумот ҳамма учун очиқ бўлиши лозим.

Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши ҳақида суд мажлиси баённомасида ва иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатининг кириш қисмида ҳам кўрсатилади.

8. Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги ажрим эълон қилингунга қадар процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залидан четлаштирилиши мумкин эмас. Иш муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги қарор ишни суд муҳокамасига тайинлаш чоғида қабул қилинган ҳолларда, процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига киритилмайди.

Иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш ҳақидаги ажрим эълон қилинганидан сўнг процесс иштирокчилари бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залидан четлаштирилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Агар суд томонидан жиноят ишининг муайян қисми ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилиниши тўғрисида қарор қабул қилинса, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлисининг шу қисмига киритилмайди.

Ёпиқ суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга йўл қўйилмайди, бундай мажлисда аудио- ва видеоёзув амалга оширилмайди.

Ёпиқ суд мажлиси ўтказилганда ишни электрон тарзда шакллантиришга йўл қўйилмайди.

9. Агар фуқаролик ишида, шунингдек, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ишда давлат сирига ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга оид маълумотлар мавжуд бўлса ёки фуқаролик иши ёпиқ суд мажлисида кўрилиши шартлиги қонунда назарда тутилган бўлса, суд фуқаролик ишини ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқади.

Процесс иштирокчисининг илтимосномасига биноан, суд шахсий ҳаёт дахлсизлигини ёки қонун билан қўриқланадиган маълумотлар сир сақланишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишини, шунингдек, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ишни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишга ҳақли (ФПК 12-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари, МСИЮтК 13-моддаси иккинчи қисми).

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, суд муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилиши тўғрисидаги илтимоснома нафақат ўз шахсий манфаатлари борасида илтимоснома киритаётган шахс ва (ёки) унинг вакили томонидан, балки ФПК 50, 52-моддаларига кўра, бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилган шахслар (масалан, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органи ва ҳ.к.) томонидан ҳам берилиши мумкин.

10. Жиноят ишини ёпиқ суд мажлисида ўтказишга ЖПК 19-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

11. Давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ишнинг ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилинишига, фақат Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ишда давлат сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга оид маълумотлар мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

12. Иш тижорат сирини сақлаш мақсадида ёпиқ суд мажлисида, башарти, бундай маълумотга эга бўлган ва тегишли илтимоснома киритган шахс Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги Қонуни 10-моддасига мувофиқ, тижорат сирини муҳофаза қилиш чора-тадбирини кўрган бўлса, муҳокама қилиниши мумкин.

Иш муҳокамасини тижорат сирини сақлаш учун ёпиқ суд мажлисида ўтказиш масаласини ҳал этишда, судлар Ўзбекистон Республикасининг "Тижорат сири тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасида назарда тутилган маълумотларга нисбатан тижорат сири режими татбиқ этилмаслигини ҳисобга олишлари лозим.

13. Шахснинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига бўлган ҳуқуқини таъминлаш учун иш муҳокамасини ёпиқ суд мажлисида ўтказиш масаласини ҳал этишда, судлар бундай маълумотлар хусусияти ва мазмунини, шунингдек, улар ошкор қилиниши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни эътиборга олишлари лозим.

14. Шуни инобатга олиш лозимки, қонунга кўра:

а) очиқ суд мажлисини фотосуратга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят, маъмурий, иқтисодий ишни ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан;

б) очиқ суд мажлисида аудиоёзувни амалга оширишга қуйидаги тартибда йўл қўйилади:

фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан;

жиноят иши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар фикрини эшитгандан кейин берган рухсати билан.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ҳар қандай иш бўйича эркин тарзда ёзма қайдлар қилишлари, стенограмма юритишлари, иқтисодий иш ёки маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан иш кўрилаётганда эса, шунингдек, аудиоёзув олиб боришлари мумкин.

Процесс иштирокчилари илтимосномаларини, оммавий ахборот воситалари вакиллари мурожаатларини қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида суд жойида ажрим чиқаради ва суд мажлиси баённомасига киритади.

Суд оммавий ахборот воситалари вакилларини тарқатилаётган ахборотнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги, холислиги ва ишончлилиги учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида ёзиб қўйилади.

15. Суд мажлиси боришини қонунда йўл қўйилган кўринишда қайд этишни амалга ошираётган шахслар ҳаракати суд мажлиси тартибига халақит бермаслиги лозим.

Суд мажлисида иштирок этаётган ва унинг боришини қайд этиш ҳуқуқидан фойдаланаётган шахслар томонидан бу ҳуқуқнинг суиистеъмол қилиниши суд мажлиси тартибини бузиш ҳисобланади. Бундай ҳолда суд айбдор шахсларга нисбатан процессуал қонунда назарда тутилган таъсир чораларини қўллашга ҳақли.

16. Шуни назарда тутиш лозимки, суд мажлисида қатнашиш учун келган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд биносига кириши суднинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар билан ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда таъминланиши лозим. Шу муносабат билан судлар ушбу ҳужжатлар билан суд биносига кириш жойида танишиш имкониятини таъминлашлари зарур.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, чет давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залига улар Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этган тақдирда киритиладилар.

17. Процессуал қонун талабларига мувофиқ фуқаролик, жиноят, иқтисодий, маъмурий ишлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари, суд муҳокамаси очиқ ёки ёпиқ тарзда ўтказилишидан қатъи назар, ошкора эълон қилинади, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Жумладан, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тегишли ёпиқ суд мажлисида кўрилган фуқаролик иши бўйича суд қарори (масалан, фарзандликка олиш ҳақидаги) ошкора эълон қилинмайди.

18. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, процесс иштирокчиси бўлмаган шахслар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг очиқ суд мажлисида қатнашишини чекловчи ёки уларга монелик қилувчи шароит яратилиши ман этилади ва бундай ҳолат процессуал қонун бузилиши деб ҳисобланади ва қонунда белгиланган жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

19. Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот умумфойдаланиш учун очиқ ҳисобланади, ахборотдан фойдаланиш қонун билан чекланган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни 6-моддаси).

Фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборотга, жумладан, қуйидагилар киради:

давлат сирларига доир, (Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни 3, 5-моддалари);

қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга доир (масалан, фарзандликка олиш сири) (Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 153-моддаси);

шифокорлик сирига доир (Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни 25-моддаси бешинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни 19-моддаси);

қонунга асосан фойдаланиш чекланган бошқа ахборотлар.

Суд ахборотнинг муайян қисми фойдаланиш учун чекланганлигини сабаб қилиб, талаб этилган ахборотни беришни рад қилишга ҳақли эмас. Бундай ҳолатда ахборотнинг умумфойдаланиш учун очиқ қисми тақдим этилади.

20. Фойдаланувчиларга тақдим этилаётган ахборот ўз вақтида берилиши ва қонунда белгиланган муддатда тақдим этилиши лозим.

21. Судлар фаолиятига доир маълумот фойдаланувчиларга уларнинг сўровига асосан, яъни оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан, электрон ҳужжат кўринишидаги мурожаатига асосан тақдим этилиши мумкин. Умумжаҳон ахборот Интернет тармоғи (бундан буён матнда Интернет тармоғи деб юритилади) орқали судга келиб тушган сўровга, яъни электрон ҳужжат тарзидаги сўровга ёзма сўровларни расмийлаштиришга нисбатан қўйиладиган талаблар қўлланилади.

Оғзаки сўров бўйича судлар фаолиятига доир махсус текширишни ва излашни талаб этмайдиган ахборот тақдим этилиши мумкин.

Масалан, оғзаки сўровга асосан суд мажлиси вақти ва жойи, иш кўрилиши босқичи ва натижаси ҳақидаги, иш судловга тегишлилиги бўйича юборилганлиги ҳақидаги ахборот берилиши мумкин.

22. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, қонунга кўра, маълумот тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатни кўриб чиқиш муддати уни рўйхатга олинган кундан бошланади. Сўралган ахборотни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида судлар келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олиш ва уларга жавоб бериш юзасидан судда иш юритишни тартибга солувчи ҳужжатларда белгиланган муддатларга риоя этилишини таъминлашлари лозим.

23. Судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, сўралган маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва (ёки) судларнинг Интернет тармоғида расмий веб-сайтларида жойлаштирилган бўлса, судлар оммавий ахборот воситасининг номи, санаси ва чиқиш рақами ҳамда (ёки) расмий веб-сайтнинг сўралган маълумот жойлаштирилган саҳифасини кўрсатиш билан чекланишга ҳақли.

24. Фойдаланувчиларни архив фондларида сақланаётган судлар фаолиятига доир ахборот билан танишиши архив ишига оид қонун ҳужжатлари ҳамда унга мувофиқ қабул қилинаётган бошқа ҳужжатлар билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Судлар фаолиятига доир ахборот оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тарқатилади.

Судлар фаолиятига доир Интернет тармоғида жойлаштирилиши шарт бўлган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасида келтирилган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

26. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, судларнинг расмий веб-сайтларида суд қарорлари матнларини жойлаштириш ФПК 12-моддаси еттинчи қисми, ЖПК 19-моддаси ўн биринчи қисми, ИПК 11-моддаси олтинчи қисми талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Суд қарорлари матнидан давлат сирлари ёки бошқа қонун билан қўриқланадиган сирга доир маълумотлар чиқарилиши лозим. Қонуний кучга кирган суд қарорлари матни суднинг расмий веб-сайтида эгасизлаштирилган ҳолда ёки процесс иштирокчилари розилиги билан тўлиқ эълон қилиниши мумкин. Қонунга мувофиқ эълон қилиниши талаб этиладиган (масалан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг бир қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги), суд қарорлари матнлари судлар расмий веб-сайтларида тўлиқ ҳажмда жойлаштирилади.

27. Фойдаланувчиларни судлар иши тўғрисидаги кундалик ахборот билан таништириш учун суд биноларида маълумотлар пештахтаси ва (ёки) шундай вазифа бажарадиган техник воситалар ўрнатилиши лозим бўлиб, уларда қуйидаги маълумотлар берилади:

суднинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида (уларнинг рўйхати);

суднинг иш тартиби, ишонч телефони рақамлари тўғрисида;

аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида;

ўтказиладиган суд мажлислари, шу жумладан, очиқ суд мажлислари тўғрисида;

суднинг фаолияти тўғрисидаги ахборот бериш тартиби тўғрисида.

Ахборот пештахталари ташриф буюрган шахсларга қулай жойларда ўрнатилган бўлиши лозим.

Ўтказиладиган очиқ суд мажлислари ҳақидаги хабарлар тегишли суднинг расмий веб-сайтида ҳам эълон қилиниши лозим.

28. Судларда уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишни таъминловчи қонунга зид бўлмаган ва судьялар мустақиллиги принципини бузмайдиган бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин (хусусан, фуқароларни, жамоатчилик вакилларини қабул қилиш, брифинг, интервью, матбуот конференцияларини ўтказиш, оммавий ахборот воситалари ва аҳоли олдида чиқишлар қилиш, пресс-релизлар тарқатиш ва ҳ.к.).

29. Жамоатчилик билан доимий алоқада бўлишни таъминлаш мақсадида судларнинг расмий вакиллари оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади.

30. Жамоатчиликни судлар фаолияти тўғрисида хабардор этиш мақсадида вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раислари:

йилда камида бир марта фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиниши ҳолати юзасидан тегишли давлат вакиллик органига маълумот тақдим этишлари;

ойида камида бир марта судьяларнинг жойларда аҳоли билан учрашувларини ташкил этишлари лозим.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари ҳар чоракда ишларнинг тегишлича назорат, апелляция ва кассация тартибида кўрилиши юзасидан ҳар чоракда суд обзорларини чоп этилишини таъминласинлар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** **К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** **И. АЛИМОВ**

# ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАСБГА ТАЙЁРЛАШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳокимлар билан биргаликда янги кичик саноат зоналари учун бўш ер майдонларини аниқлаб, инфратузилма билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни камбағал аҳолига ажратиб бериш, зарур жойларда артезиан ва қудуқлар қазиш бўйича топшириқ берилди.

Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали камбағалликни камайтириш энг асосий масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 минга яқин аёллар ва ёшлар бор. Хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 13 фоиз, ёшларда эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Фарғона, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткич юқори.

Шу билан бирга, бугунги кунда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжуд.

Йиғилишда шу каби талаб бор жойларга малакали мутахассислар етказиб бериш, бандликни таъминлаш учун ҳар бир ҳудудда ишсиз аҳолини тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ўқиш якуни бўйича Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан танлов эълон қилиниб, энг илғор лойиҳа учун "стартап"га 20 миллион сўм миқдорида грант ажратилади. Ҳокимлар ҳам маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар беради.

Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз аёллар ва кўп фарзандли аёллар, ишсизлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган ҳунарлар, хусусан, тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишларда касбга ўргатиш курслари ташкил этилади. Бунинг учун маҳалла идоралари ёки ҳудуддаги бинолардан жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига "Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури"ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантириш бўйича топшириқ берилди.

Қатор ҳудудларда касбга ўқитиш борасидаги ишлар кескин танқид қилинди. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг 11 туманида, Бухоро ва Тошкент вилоятларида 9 тадан, Сурхондарёнинг 7, Жиззахнинг 5 туманида бирорта ҳам бундай марказлар йўқлиги қайд этилди.

Касбга тайёрлаш марказларини ташкил этишга нодавлат ташкилотларни фаол жалб қилиш, улар ўртасида энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури бўйича танлов ўтказиб, ғолибларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан грант ажратиш бўйича топшириқлар берилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳар бир ҳудудда "Ишга мармаҳат" моно-марказлари ҳамда касбга тайёрлаш марказлари ташкил этиб, ишсизларга касбий билим ва кўникмалар, шунингдек, эҳтиёжга қараб хорижий тилларни ҳам ўргатиш вазифаси юклатилди.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасидаги маблағларнинг 70 фоизи камбағал аҳолига иш ўрни яратишни назарда тутувчи кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларига йўналтирилиши белгиланди. Шунингдек, камбағал кишини ишга олган корхоналарга банк кредитлари бўйича қулайликлар берилиши қайд этилди.

Ахборот технологиялари соҳаси, бир томондан, бизнесга кўмаклашувчи восита, иккинчи томондан, бизнеснинг алоҳида йўналишидир. Шу боис, ўзини ўзи банд қилишни хоҳловчиларга тушунарли бўлган интерактив мобиль иловалар, барча саволларга жавоб берадиган "бизнес навигатор"лар яратиш зарур.

Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига тижорат банклари билан бирга содда тилда тайёр бизнес лойиҳалар ишлаб чиқиб, одамларга таклиф этиш бўйича кўрсатма берилди. Бу бизнес лойиҳаларда харажат ва даромад билан боғлиқ барча ҳисоб-китоблар, ишлаб чиқариш қувватлари, маҳсулот миқдори каби масалалар "ипидан-игнасигача" аниқ бўлади.

Ушбу лойиҳалар ҳақида жойлардаги мулоқотлар, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг барча қатламига маълумот етказиш кераклиги қайд этилди.

Савдо-кўнгилочар марказларни кўпайтириш ҳамда кўчма савдони ривожлантириш, бу борадаги ортиқча чекловларни олиб ташлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси ҳамда Бош вазир қабулхоналари давлат ва тадбиркор ўртасидаги "кўприк" вазифасини бажариши, тадбиркорлик ташаббусларининг амалга ошишига ҳар томонлама кўмаклашиши шартлиги таъкидланди.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб, иқтисодий комплекс идоралари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тизими ҳамда Ҳудудларда тадбиркорлик ривожланиши индекси жорий этилмоқда. Аҳоли ўртасида очиқ ва яширин сўровлар ўтказиш орқали уларнинг иқтисодий комплекс ташкилотларига бўлган муносабати ўрганиб борилади. Натижаларга қараб, муайян ҳудуддаги иқтисодий комплекс раҳбарлари фаолияти "намунали", "яхши", "қониқарли" ва "қониқарсиз" деб топилади. Ижобий баҳоланганлар рағбатлантирилади ва паст баҳо олганларга жазо чоралари кўрилади. Баҳолаш натижалари бир йилда икки маротаба Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари вилоят кенгашларида ва ҳукуматда муҳокама қилинади.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА**

---

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

# Тўй, маърака ва бошқа маросимлар

*уларни ўтказиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳаси билан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибига қўйиладиган умумий талабларга риоя қилмаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши кўзда тутилмоқда. Ушбу тартибни мазкур тадбирларни ўтказувчи шахс томонидан бузиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тўйхона, қаҳвахона ва ресторанларнинг мансабдор шахслари томонидан бу тартиб бузилганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солинади. Назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасига таклиф этилаётган норма парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Баҳс-мунозараларда баъзи депутатлар, фракциялар тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни аҳолига эмас, балки тўйхона, қаҳвахона ва ресторанлар эгалари учун кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Бошқа депутатлар эса, кўзда тутилаётган жарима миқдорларини кескин ошириш бу борадаги тартиб-интизомни таъминлашда муҳим омил бўлишини қайд этди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилиши таклиф этилаётган ҳуқуқбузарликни аниқлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳамда ўрнатилган тартибда маъмурий судга юбориш масаласини ички ишлар органларига юклаш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонунчиликдаги бўлғуси ўзгаришлар Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги низомга мувофиқдир.

Яъни бу ички ишлар органлари профилактика инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда фуқаролар ўртасида турли маросимларни ихчам ва камхарж ўтказишга, шуҳратпарастлик ва дабдабабозликнинг олдини олишга, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини аҳоли онгига сингдиришга қаратилган аниқ, мақсадли профилактик тадбирларни ташкил этишда муҳим ўрин тутади.

### Қимматбаҳо металларга эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи кимларга берилади?

*Шунингдек, Парламент Қонунчилик палатасининг мажлисида **"Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.*

Президентимизнинг 2019 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад — қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, заргарлик буюмлари асиллик даражасини белгилаш, тамғалаш тизимини, шунингдек, уларнинг сифатини назорат қилиш тартиб-таомилларини такомиллаштиришдан иборатдир.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, амалдаги қонун фақат реализация қилишга мўлжалланган қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалашга бағишланган. Аммо қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар соҳасини тўлиқ қамраб олмаган.

Депутатлар ҳукмига биринчи ўқишда ҳавола этилган янги қонун лойиҳасида ушбу соҳада қимматбаҳо металлар, тошларни қазиб олиш, уларни аффинаж қилиш, заргарлик буюмларининг асиллик даражасини белгилаш ва тамғалаш, давлат органларининг ваколатлари, қимматбаҳо металлар ва тошларга эгалик ҳуқуқларининг вужудга келиши, соҳада рухсат этиш тизими асослари кўрсатилган.

Қонун лойиҳасида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар давлат эгалигида бўлгани сингари юридик ва жисмоний шахслар эгалигида ҳам бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши соҳада бир қатор ижобий натижаларни беради. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги фаолиятни амалга оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилади.

Қонун лойиҳаси билан қимматбаҳо металларнинг эркин муомаласи йўлга қўйилмоқда. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматбаҳо металларга хом ашё сифатида бўлган эҳтиёжи қондирилади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматбаҳо металларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқувчилардан ёки биржадан сотиб олиш имкони яратилмоқда.

Қонун лойиҳасида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар соҳасида давлат органларининг ваколатлари аниқ белгиланмоқда. Бу қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари кафолатланиши, ҳалол тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, лойиҳа қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш тартибини соддалаштиришни назарда тутади. Унга қимматбаҳо металлар ва тошларга эгалик ҳуқуқини назарда тутувчи нормалар киритилган бўлиб, бу қимматбаҳо металларга оддий товар сифатида қараш, тадбиркорлик субъекти ёки жисмоний шахслар ҳам уларга эгалик қилиш, ўрнатилган тартибда эркин тасарруф этиш имконини беради.

Ушбу янгиликлар соҳада давлат органлари ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ваколатлари ва жавобгарлик соҳасини аниқ чегаралаш, соҳа фаолиятини хуфёна иқтисодиётдан чиқариш, тармоққа инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратиш ҳамда рақобат муҳитини яхшилашга кўмаклашади.

Шу билан бирга келгусида соҳада тенглик муҳитини яратиш, маҳсулотларнинг таннархини тушириш, тадбиркорлик субъектлари учун кўпроқ эркинлик ва имконият бериш асосида янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда солиқ тушумлари миқдорини кўпайтиришга шароит яратади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати***

---

*Қонун талаби*

# Ҳар ишнинг ўз сўрови бор

*қонун ўзбошимчаликни кечирмайди*

◀ (Бошланиши 1-бетда)



Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан амалдаги олтита кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Фуқаролик кодекси **"Ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатлари"** деб номланган 212-модда билан тўлдирилди.

Шу ўринда ушбу модда моҳиятига тўхталадиган бўлсак, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга нисбатан мулк ҳуқуқини ололмайди. Демак, бу шахс қурган иморатни тасарруф этиш, яъни сотиш, ҳадя этиш, ижарага бериш ёки иморатга нисбатан бошқа битимларни тузишга умуман ҳақли эмас. Ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан суднинг қарорига кўра, иморатни қурган шахс томонидан ва унинг ҳисобидан бузиб ташланади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар асосида далиллайдиган бўлсак, Каттақўрғон туман ҳокимлиги судга туманнинг "Алижон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Рамазон Йўлдошев (исм-шарифлар ўзгартирилди)га нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилишларни мажбурий тартибда бузиб ташлаш ва ерни туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига қайтаришни сўраб, даъво ариза билан мурожаат қилди.

Мазкур фуқаролик иши туман ҳокимиятининг маъмурий биносида сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Жавобгар Р.Йўлдошев номига тегишли тартибда суднинг чақирув хати юборилган бўлса-да, лекин у номаълум сабабларга кўра, ишда иштирок этмади. Суд Фуқаролик процессуал кодексининг 282-моддасига асосан, ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқди.

Аниқланишича, фуқаро Р.Йўлдошев туманнинг "Бўстон" массивидаги ер майдонини ноқонуний равишда эгаллаб олиб, ўзбошимчалик билан уй-жой қурган ва ундан фойдаланиб келган. Мазкур ҳолат юзасидан туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси тегишли мутахассислар иштирокида мониторинг ўтказган. Ўрганиш чоғида фуқаро Р.Йўлдошев ўзбошимчалик билан 16 сотих ер майдонини эгаллаб олгани, ана шу майдоннинг 3 сотихига уй-жой қургани аниқланган ва бу ҳақида далолатнома тузилган.

Даъвогарга жавобгар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мазкур ер майдони "Янгиқўрғонча" қишлоқ фуқаролар йиғинининг 1999 йил 7 январдаги қарори асосида олинган бўлса-да, лекин ер майдони ўлчаб берилганлиги далолатномаси мавжуд эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 февралдаги 41-сонли қарорига зид равишда жавобгар аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қатъий бажарилиши талабларини қўпол тарзда бузган. Шу сабабдан ҳам, даъвогар Р.Йўлдошев томонидан ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилган уй-жойни унинг ҳисобидан бузишни, эгаллаб олинган ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига қайтариб, ер майдонидан жавобгарни мажбурий тарзда чиқаришни сўраган.

Захира ер майдони масаласига ойдинлик киритадиган бўлсак, Ер кодексининг 78-моддаси 1-бандига кўра, юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ер ҳисобланади. Мазкур модданинг 2-бандида эса, "Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади" деб кўрсатилган.

Суд юқорида тилга олинган қонун талаблари ҳамда иш ҳолатларига асосланди. Даъвогар — Каттақўрғон туман ҳокимлигининг жавобгар — Р.Йўлдошевга нисбатан ўзбошимчалик билан қурилган қурилишларни мажбурий тартибда бузиб ташлаш, ер майдонидан чиқариш ва ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига қайтариш тўғрисидаги даъво талабларини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди. Жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига 172 минг 240 сўм давлат божи ундирилди.

Биринчи босқич судининг ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан Р.Йўлдошев томонидан келтирилган кассация шикояти фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация инстанциясининг очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди. Кассация судлов ҳайъати Р.Йўлдошев ҳеч бир ҳужжатсиз 16 сотих майдонни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ва ноқонуний фойдаланиб келган, деган тўхтамга келди. Биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Мажбурий ижро бюроси туман бўлими эса, суднинг ушбу қарори ижросини тўлиқ таъминлади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда Конституция ва қонунларга асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган экан, ҳар бир фуқаро амалдаги қонунларга қатъий риоя этиши талаб қилинади. Чунки қонун ўзбошимчаликни асло кечирмайди.

**Камол НОМОЗОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

---

*Жиноят ва жазо*

# Хиёнат

**Хоразм вилоятида нопок қилмишлари билан журналистлар ҳақига хиёнат қилган бир гуруҳ шахсларга нисбатан суд ҳукми ўқилди. Жиноятга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.**

Аслида "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг Хоразмдаги шўъба корхонасида рўй берган давомли жиноий қилмишлар ҳақидаги гап-сўзлар ўтган йили бутун воҳага ёйилди. Бу гап-сўзлар ҳали поёнига етмай туриб, айнан шундай суиистеъмолликлар ушбу компаниянинг Хонқа ва Хива тумани филиалларида ҳам рўй бергани аниқланди. Чиндан ҳам, элдан қолар гап йўқ. Анча вақтдан буён кўп сонли қаламкашлар, таҳририятларнинг эътирози, норозилигига сабаб бўлиб келаётган ушбу овозалар тез орада тегишли ҳуқуқ тартиботи ва қонун назорати идораларида ҳам акс-садо берди. Шундан сўнг ўтказилган тергов-тафтиш, суд жараёнларида таҳририятларга жуда катта миқдорда иқтисодий зиён етказилгани, умуммулк талон-торож этилгани маълум бўлди.

Хусусан, шўъба корхонасининг Хива филиалида рўй берган суиистеъмолликлар, аслида, вилоят марказида юзага келган жиноят занжирининг бир ҳалқаси, холос.

Эллик ёшни қоралаган Муборак Абдуллаева ана шу филиалга 2016-2018 йиллар давомида раҳбарлик қилди, бухгалтерлик вазифасини ҳам ўзи бажарди. Бунда ушбу филиал раҳбарининг "ҳиммати, хизмати" ўзгача бўлди. У таҳририятлар, шунингдек, филиалга тегишли пул маблағини бегонага эмас, балки ўзи ва яқинларига "тортиқ" этишга чунонам берилдики, натижада 2017 йилнинг 23 октябрида 50 миллион, ўша йилнинг 1 ноябрида 48 миллион, орадан бир ҳафта ўтгач, яна 45 миллион, жами 143 миллион сўм миқдоридаги маблағни ўзи раҳбарлик қилаётган яна бир корхона — "Бахт Шоҳида" масъулияти чекланган жамияти ҳисоб-рақамига ўтказиб юборди. Аслида моддий ёрдам тариқасида ўтказилган бу маблағ қоидага кўра, қарз ҳисобланади ва қарз муайян вақт ўтгач, эгасига қайтарилиши шарт. Афсуски, М.Абдуллаеванинг бир чўнтагидан иккинчи чўнтагига оқиб ўтган бу маблағнинг атиги 44 миллиони тергов-тафтиш ишлари бошлангунига қадар ортга қайтди. Қолган салкам 99 миллиони эса, дом-дараксиз кетгани йўқ, аксинча, М.Абдуллаева бошқараётган "Бахт Шоҳида" масъулияти чекланган жамиятининг банкдан олган кредит қарзини қоплашга йўналтирилди...

М.Абдуллаева томонидан содир этилган қинғирликнинг бошқа бир "антиқа" усули филиалга тегишли жорий корпоратив карточкасини қўллаш асносида "кашф" қилинди. Филиал раҳбари амалдаги низом талабларини қўпол тарзда бузган ҳолда мавжуд 2 та корпоратив карточка ёрдамида 2017 йили 52,7 миллион, 2018 йил давомида эса, 10,6 миллион сўм миқдоридаги пулларни турли идора ва ташкилотларга ўтказиб юборди. Филиалнинг маблағини бошқалар тасарруфига бериш жараёнида яна бир жиноий қилмиш содир этилди. Аниқроқ айтганда, М.Абдуллаева белгиланган тартибга риоя этмаган, таъсисчи — юқори турувчи органнинг ёзма розилигини олмаган ҳолда пул маблағларини тегишли ташкилотларга ўтказиб берган. Суд ва тергов жараёнида корпоратив карточкалар орқали ўзга шахсларга бериб юборилган пулнинг атиги 10,6 миллион сўми филиалга қайтарилгани, бу пул эвазига эса, ташкилот тасарруфидаги автомашинага табиий газ ёнилғиси ва эҳтиёт қисмлар олингани маълум бўлди. Филиал раҳбари тергов жараёнидаги кўрсатмасида, аввалига шу пайтга қадар китоб савдосининг сиртидан ўтмаган "Қўшкўпир шароб савдо" корхонасидан салкам 14 миллион сўм эвазига турли хил адабиётларни сотиб олганини билдирган бўлса, судда эса, сўзидан тониб, ушбу китобларни Ҳазорасп бозоридан харид қилганини таъкидлади. Энг ажабланарлиси, у бу ҳаракатлари қонунга зид эмаслигини уқдиришга уринди, айбига иқрорлик, қилмишига пушаймонлик билдирмади, етказилган зарарни қоплашга ҳам ҳаракат қилмади. Ўзга субъектларга ўтказилган пул маблағлари — нақд ҳолида қайтарилмагани, унинг эвазига натура тарзида мол ва маҳсулотлар етказиб берилгани, буни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни шўъба корхонаси раҳбари О.Қурбоновга топширгани, лекин у буларнинг барини йўқотиб юборганини баён этиш билан чекланди.

(Давоми 4-бетда) ▶

---

**Муҳаббат инсоннинг кўзини кўр қилиб қўяди, дейишади. Шунданми, аксарият ёшлар бир-бирининг қусурларини ҳар доим ҳам илғашавермайди.**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Залолат

*инсонни қабиҳликка етаклайди*

Заҳро (исм-шарифлар ўзгартирилган) Санжарга кўнгил қўйганди. Санжар эса... яхшиси, воқеани ўқиб, бу ҳақда ўзингиз хулоса чиқаринг.

Бугун Заҳро уйқудан босинқираб уйғонди. Ўрнидан тургач, юз-қўлини ювди-да, нонуштага ўтирди. У кўрган тушини эслар экан, илоҳим, яхшиликка бўлсин, дея ўзига таскин бериб қўйди.

Аммо кўнглидаги ғашлик бари бир тарқалмади. Шу кун у кечга яқин Санжар билан учрашиши керак. Буёғини сўрасангиз, улар бир ой муқаддам жанжаллашиб қолишган, бугун эса, Санжар унга қўнғироқ қилиб, гапи борлигини, агар келмаса, оқибати ёмон бўлишини айтганди.

Дунёнинг ишлари қизиқ, одам боласи эртага нима бўлишини билмайди. Агар Заҳро ўша куни Санжарнинг ёнига бормаганида, балки бошига бу кулфатлар тушмасдимиди? Аксинча, Санжар айтганидек, "оқибати ёмон" эмас, ҳаммаси жой-жойида бўлармиди?

(Давоми 4-бетда) ▶

*Муносабат*

# Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илму маърифат





◀ (Бошланиши 1-бетда)

Айтиш керакки, болаларни мактабга тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган ушбу ғоя замирида фарзандларимиз онгу тафаккуридаги юксак ўзгаришларни жамият иқболи ва истиқболига йўналтиришдек олижаноб мақсад мужассам.

Аслида, ҳаётнинг энг оқилона йўриғи ҳам шу: барвақт экилган ниҳол эрта мева беради. Башарти, фарзандларимиз онгида алифбони ўзлаштириш иқтидори анча эрта намоён бўлар экан, илмнинг янада теран ва мукаммал намунаси — замонавий электрон тизим, фан-техника ютуқлари, хусусан, рақамли иқтисодиётни ўзлаштиришга бўлган интилиш ҳам шунча эрта уйғонади.

Шундай экан, жорий йилимиз номида ўз аксини топган **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш"** тушунчаси юқоридаги фикрлар билан нечоғлик уйғун эканини англаш қийин эмас. Жамият рақамли технологиялар даврига қадам қўяр экан, бунда таълим-тарбия, устоз-муаллимларнинг ўрни катта, албатта.

Илм-маърифат ривожи рақамли иқтисодиёт равнақига йўл очади ва ҳар иккови бирлашиб, жамиятнинг қўшқаноти сифатида намоён бўлади. Йилимизнинг бундай номланиши рамзий маънога эга.

Бинобарин, илм ва маърифат уммонидан сув ичмай туриб, фан-технология, жумладан, рақамли иқтисодиёт тараққиётига йўл очиб бўлмайди. Мазкур икки омилнинг ўзаро уйғунлиги уларнинг бир-бирига ҳамоҳанг равишда баб-баравар ривожлантиришни тақозо этади. Бу борада ташланаётган қадамларнинг мантиқийлигини ҳам шунда кўрамиз.

Шу пайтга қадар болаларни уйда, мактабгача таълим муассасалари, бошланғич синфларда тарбиялаш жараёнида ўқиш, санаш, у ёки бу тилда гапиришга ҳавас уйғотиш масалалари диққат марказига қўйиб келинган эди. Эндиликда бу усулни ҳам ислоҳ қилиш, замонавий фан, техника, технология воситалари, илғор иш усуллари ва услубларига оид илк кўникмаларни фарзандлар онгига боғча ва бошланғич синфлардаёқ сингдириш зарурати юзага чиқаяпти.

Мактаб остонасига илк бор қадам қўйган фарзандингиз ушбу даргоҳга замонавий илм, дейлик, рақамли иқтисодиёт хусусида аниқ тасаввур, кўникма билан келар экан, бу ҳолат кейинги ўқув жараёнларига ғоят ижобий ва самарали таъсир ўтказади. Натижада жамиятимизда ҳар томонлама билимли ва иқтидорли инсонлар сафи тубдан ортади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, намунали таълим-тарбия ана шу улуғвор мақсадни рўёбга чиқаришнинг бирдан-бир шартидир. Ушбу қутлуғ мақсадга етишмоқ учун аввалambор, тарбияловчининг ўзи тарбияланмоғи даркор.

Бу йўлда астойдил курашмоқ, тер тўкмоқ, жон койитмоқ, фидойилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқ, шу аснода таълим-тарбия сифатини замон талаблари даражасига келтирмоқ мактаб педагогика жамоаларининг устувор вазифасидир. Шу муносабат билан муаллимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масканлари, семинар-тренинг машғулотларида замонавий фан-техника ютуқларига оид билимларга алоҳида ўрин ажратилмоғи, ундан биринчи галда бошланғич таълим соҳаси устоз-мураббийлари баҳраманд бўлиши лозим.

Айни кезда мактабларимизда алифбони замонавий атамалар билан бойитган ҳолда ўргата оладиган, бу борадаги илмларни пухта эгаллаган устоз-муаллимлар — бошланғич синф ўқитувчиларига нисбатан эҳтиёж анча кучли.

Фикримизча, бугун фарзандларимизга давр талаблари даражасида сабоқ беришга аҳд қилган муаллим бир ёки бир неча йиллар муқаддам яратилган, ҳатто маънавий жиҳатдан эскирган ўқув дастурлари доирасида таълим бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Ҳамкасбларимиз ўз ихтисослигига оид илмий ва оммабоп нашрлар, газета ва журналлар, турли адабиётларни тинимсиз мутоола қилиб бориши ниҳоятда зарур.

Президентимиз Мурожаатномасида донишманд аждодимизнинг ибратли ўгити эътиборимизга ҳавола қилинди. Яъни **"Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир".**

Давлатимиз раҳбарининг ушбу иқтибоси замирида мамлакатимизни юксак илм-зиё, маърифат ўлкасига айлантириш, шу йўл билан илғор технологиялар, замонавий бошқарув усулларини кенг ва дадил жорий этиш, бунинг учун барча шарт-шароитларни яратишдек улкан мақсад ётганини англаш қийин эмас.

Мурожаатномада педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маоши тўлаш тизими жорий этилиши маълум қилинди. Ўз навбатида, биз ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз керак.

**Дилрабо СОБИРОВА,**
*Урганч шаҳридаги 11-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси, 1-тоифали муаллима*








◀ (Бошланиши 3-бетда)

Аммо М.Абдуллаева бу ҳолатда ҳам ноҳақ. Башарти, ўтказилган пул маблағлари эгасига нақд эмас, балки мол ва маҳсулот шаклида қайтарилар экан, бу ҳолат тегишли шартнома ҳужжатларида аксини топиши, қаздорликка оид маълумотлар эса, ҳисоботларда қайд қилиниши керак. Аслида манзара бошқача. Расмийлаштирилган ҳужжатлар, шартномалар, зиммага олинган мажбуриятларда масаланинг бу жиҳати очиқ қолдирилган. Мадомики, моддий ёрдам шаклидаги маблағлар мол ва маҳсулот шаклида корхонага қайтарилар экан, бу ҳолат ишончнома аталмиш расмий ҳужжат орқали амалга оширилиши ва у кирим дафтарига албатта, қайд этилиши зарур. Амалда эса, зиммадаги мажбуриятнинг бу жиҳати ҳам назардан четда қолган. Филиал раҳбари кўрсатилган моддий ёрдам натура тарзида қайтариб олинганини тасдиқловчи ишончнома ва кирим ёзувлари мавжудлигини исботлай олмади.

Суд М.Абдуллаеванинг хатти-ҳаракатини ўзини масъуллик ва жавобгарликдан халос этишга қаратилган уриниш сифатида баҳолади. Шу алфозда аниқланишича, филиал раҳбари жиноий қилмишдан ўзини четга олмаган. Аксинча, қонун талабларини бузишга қаратилган қилмишини давом эттираверган. Оқибатда эса, вилоятда бўй кўрсатган жиноят занжирида янгидан-янги ҳалқалар вужудга келган. Бунинг жабрини эса, кўпинча босма нашрлар ва унда тер тўкиб ижод қилаётган журналистлар тортишган.

Айтиш керакки, М.Абдуллаева корхонага раҳбарлик қилган 2016-2018 йиллар оралиғида жами 940 миллион сўмлик обуна тадбирлари амалга оширилган, шу юзасидан тегишли ҳужжатлар: обуна варақалари расмийлаштирилган. Таҳририятлар эса, нашр билан боғлиқ харажатларни қоплайдиган микдорда улуш олиш ҳуқуқини қўлга киритган. Гал ушбу мажбуриятни адо этишга келганида, филиал раҳбари ўзининг билганидан қолмаган. Яъни обунадан тушган жами 337,3 миллион сўмлик маблағ бўйича тегишли таҳририят ва матбаа корхоналарига буюртмалар берилмаган. Натижада ижодий ва матбаачилик фаолияти билан шуғулланувчи жамоалар ана шу ҳажмдаги сармоядан маҳрум бўлган, кўп сонли обуначилар ҳақига ҳам шу миқдорда хиёнат қилинган. Юз, ҳатто мингларча киши пулини тўлаб, ўзи обуна бўлган нашрларни ўқиш, ундан баҳра олиш, билими ва дунёқарашини бойитиш имконидан мосуво бўлиб қолган.

"Матбуот тарқатувчи"нинг вилоятдаги шўъба корхонаси мутахассиси С.Йўлдошеванинг гувоҳлик кўрсатмасида уқдирилишича, шўъба корхонасининг Хива филиали мутасаддисининг шу қабилдаги машъум қилмиши боис, чиндан ҳам, 337,3 миллион сўмлик газета ва журналлар қонуний эгалари қўлига етиб бормаган.

Филиалда чалкаш ва бири-бирига зид мазмунда битилган ҳужжатлар, чунончи, молиявий ёрдам кўрсатилганини бир қарашда инкор этувчи битиклар ҳам мавжуд. Шу ҳақидаги шартномалар остига М.Абдуллаева томонидан жимжимадор тарзда "Молиявий ёрдамдан воз кечди" жумласининг битилгани бу борадаги ғаройиб "ўйин"ларнинг бири ва дўппи "тор келгани" боис "кашф" этилган ажабтовур "ихтиро", десак янгилишмаймиз. "Дўппи тор келган" чоғ "Қўшкўпир шароб савдо" корхонасидан турли хил китоблар харид қилинганига оид бошқа бир ҳангома юзага қалқиб чиққани ҳам ўзингизга аён. Ҳақиқатан ҳам, ажабланарли ҳол: наҳотки, шароб ва спиртли ичимликлар бозорида фаолият юритувчи идора китоб савдоси билан ҳам шуғулланса?! Йўқ, бундай эмас. Бу ташкилотнинг китоб савдосига мутлақо дахли йўқ. Судда гувоҳлик берган ушбу корхона бош ҳисобчиси Ҳ.Сатторов буни очиқ-ойдин тушунтирди. "Шароб савдо" фақат алкоголли ичимликлар савдосини амалга ошириб келаётгани, китоб ёки идора ёзув-чизув моллари билан аввал ҳам, ҳозир ҳам шуғулланмаслигини алоҳида таъкидлади.

Хуллас, айтаверса гап кўп. "Матбуот тарқатувчи"нинг Хивадаги филиали раҳбари томонидан корпоратив карталардан жами 52,6 миллион сўмни ювиб олиш, корхонанинг 98 миллион сўм пулини "молиявий ёрдам" ниқоби остида асоссиз равишда ўз хусусий корхонасига инъом этиш йўли билан талон-торож қилинган 151,5 миллион сўм (аппеляция босқич суди бу микдорни анча камайтириб, 131,5 миллион сўм қилиб белгилади) микдоридаги пуллар ҳали қопланганича йўқ. Туман "Матбуот тракатувчи" корхонасини салкам 3 йил мобайнида бошқарган собиқ раҳбар эса, ўзини ушбу камомадда мутлақо айбсиз санайди. Ҳатто юқорида ҳукмингизга ҳавола этилган ва рад қилишнинг иложи бўлмаган далил-исботларга ҳам инонмайди. Шу билан бирга, корхонада рўй берган машъум ўпирилиш учун ким жавобгарлигини ҳам изоҳлаб беролмайди.

Суд шу сингари ҳолатларни синчиклаб ўрганар экан, корпоратив карталар орқали қонунга мутлақо зид ҳолда ечиб олинган 52,6 миллион сўм пулнинг тўлови учун корхонанинг собиқ раҳбари М.Абдуллаева, "молиявий ёрдам" ниқоби остида "Бахт Шоҳида" масъулияти чекланган жамияти ихтиёрига ўтиб кетган салкам 99 милллион сўм маблағ учун эса, мулкий мақомини янгисига ўзгартирган ҳолда фаолият кўрсатаётган ва меросхўр субъект сифатида эътироф қилинган оилавий корхона ва унинг раҳбари, айбланувчининг ўғли У.Отажонов жавобгар, деган хулосага келди.Етказилган жами 131,5 миллион сўмлик молиявий зиённи қоплаш мажбурияти уларнинг зиммасига юклатилди. Айбланувчи сифатида судга жалб қилинган М.Абдуллаеванинг давомли қилмишлари эса, Жиноят кодексининг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишга оид 167-моддаси 2-қисми "а","б" ва "г" бандлари, мансаб сохтакорлиги, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилишга доир 209-модданинг 1-қисми ҳамда 205-модданинг 2-қисми "а" бандига биноан малакаланди. Судланувчи тегишли муддатга давлат иштирокидаги идораларда мансаб ва моддий жавобгарликка дахлдор вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди ҳамда бир неча йил мобайнида озодликни чеклаш жазосини ўтайдиган бўлди.

Ўзганинг ҳалол ризқ-насибасига кўз олайтириш, уни талон-торож қилиш, фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришга қаратилган қилмишлардан, одатда, бир-икки ёки саноқлигина киши жабр тортади. Бироқ ҳукмингизга ҳавола этилгани каби хатти-ҳаракатлар бир-икки ёхуд 5-10 эмас, балки юзларча ҳалол, фидойи, меҳнатсевар ва заҳматкаш инсонлар — қалам аҳллари ҳаёти, турмуш тарзи, иш маромига салбий таъсир ўтказиши турган гап. Матбуот — дахлсиз даргоҳ. У юқорида баён этилгани каби нопок кимсаларнинг ўргимчак уяси эмас, аксинча, мамлакат истиқболи, халқ, давлат ва жамият манфаатларини собит туриб ҳимоя қиладиган пок маскан сувратида намоён бўлмоғи, кўп сонли обуначилар, ўқувчи-мухлислар, кенг жамоатчилик эса, юртимизда чоп этилаётган нашрларни расмийлаштириш, ўз эгаларига тарқатиш учун масъул бўлган идора ва ташкилотлар фаолиятига нисбатан талабчанликни, назорат ишларини кескин кучайтиришлари зарур. Хато ва қусурлар, ножўя, ножоиз хатти-ҳаракатлар олдидаги лоқайдлик, бепарволик иллатнинг ярага дўниши, газак олиши омили эканлигини эътибордан соқит этмаслик даркор.

**Маҳмуджон МАҲМУДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси,*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жиноятга жазо муқаррар*




*инсонни қабиҳликка етаклайди*

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бироқ Заҳро Санжарнинг дўқ-пўписасидан қўрқиб, учрашувга розилик берди. Ўзига қолганида-ку икки дунёдаям унинг гапига кирмасди. Чунки Санжар уни қаттиқ ранжитган, қўпол муносабатда бўлиб, сўнгги пайтларда уриб, ҳақоратлайдиган одат чиқарган эди.

Санжар Заҳрони доимо учрашадиган жойда кутиб олди.

— Салом Заҳро, яхшимисан?

— Нега чақирдингиз? Сиз билан гаплашадиган гапим йўқ!

Бундай қатъият ва журъатни кутмаган Санжар дўсти Ҳалимнинг ёнида довдираб нима дейишини билмай қолди. Кейин ўзини пича тутиб олди-да, Заҳрога заҳрини соча бошлади. Улар жанжаллашиб кетишди. Ҳалим уларни тинчлантиришга уринди, аммо бундан бирон-бир натижа чиқмади. Азбаройи қутуриб кетган Санжар Заҳронинг бошига уч-тўрт маротаба мушти билан урди. Оқибатда Заҳро мушт зарбидан ҳушини йўқотди.

— Ҳалим тез машинани юргиз, — дея бақирди Санжар.

Автомашинани ўт олдирган Ҳалим Санжарга шошилинч юзланди:

— Ҳайдасангчи!

— Қаерга ҳайдай, — деб сўради бутунлай эсанкираб қолган Ҳалим.

— Хоҳлаган томонга.

Ҳалим эса, довдирай-довдирай автомашинани шаҳар четидаги кимсасиз дала ҳовлилардан бири томонга ҳайдади. Автомашина тўхтагач, Санжар Заҳрони кўтариб дала ҳовлининг хоналаридан бирига олиб кирди-да, унинг номусини топтади, сўнг эса, суратга туширди. Заҳро жон-жаҳди билан қанчалик қаршилик кўрсатмасин, барибир Санжарнинг чангалидан қутула олмади.

Охир-оқибат эса, у Санжарнинг қўлидан қандай чиқиб кетгани ва уйига қандай алфозда етиб олганини ўзи ҳам билмайди. Уйига етиб келгач, қўрқа-пўса ётоғига кирди-да, ўзини тўшакка ташлади. Бироқ ота-онасига рўй берган воқеа ҳақида айтишга журъати етмади.

Ўша дамда у ўзини шаъни, қадр-қиммати ва ор-номуси таҳқирланганидан ўта бахтсиз ҳис этар, юраги нафрату аламга тўлиб-тошган, кўзига дунё қоп-қоронғи кўринарди.

Орадан, чамаси, икки ойлар ўтди. Буни қарангки, Санжар қабиҳ қилмишидан уялиш, афсус-надомат чекиш ўрнига баттар тубан йўлга ўтиб олди. Кунлардан бирида улар кўчада тасодифан яна учрашиб қолишди. Заҳро ундан қочишга уринди. Бироқ Санжарнинг икки оғиз сўзидан сўнг Заҳро бирдан бўшашиб, ўзини йўқотиб қўйди.

— Нима деяпсан аблаҳ, шунчаси каммиди, мени тириклай кўмасан-ку?! — деди у алам билан.

Санжар эса, ҳеч нарса бўлмагандек, совуқ иршайиб турарди.

Заҳронинг кутилмаганда бундай ҳолатга тушишига ўша, беҳаё суратлар сабаб бўлганди. Санжар уни Заҳрога кўрсатиб, "Агар айтганимни қилмасанг, бу суратларни бозорга плакат қилиб ёпиштириб чиқаман", дея таҳдид қилганди.

Шундан сўнг Заҳро итоаткор қиёфада зўрға пичирлади:

— Мендан нима истайсан?!..

— Ҳозир уйингдан икки миллион сўм олиб чиқасан, — деди Санжар.

Буткул чорасиз қолган Заҳро пулни олиб келиб, унинг қўлига тутқазди. Бироқ бу билан Санжарнинг қутурган нафси тинчимади. Аксинча, у Заҳрога ҳар ойнинг охирида бир ярим миллион сўмдан бериб турасан, дея шарт қўйди. Заҳро буни эшитиб, ҳўнграб йиғлаб юборди ва Санжарга ялиниб-ёлворишга тушди:

— Ахир, мен бунча пулни қаердан оламан?!

— Бўпти, мен розиман, фақат эртага суратларинг бозорда пайдо бўлади, — деди Санжар сурбетларча.

Заҳро иложсиз қолди.

Шу тариқа Заҳро Санжарга ойига бир миллион сўм бериб турадиган бўлди. Энг ёмони, ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдиган Санжар ўзи камлик қилгандек, бу разолатга хотинини ҳам аралаштирди.

Кунларнинг бирида Санжарнинг хотини Салима Заҳрога телефон қилиб, 200 АҚШ доллари зарурлигини айтди. Заҳро бунча пулни топишнинг имкони йўқ эканини айтганида, у қулоғидаги зирагини сотишни маслаҳат берди. Яна дағдаға, қўрқитиш ва таҳдид исканжасида қолган Заҳро зирагини сотишга мажбур бўлди.

Таажжубланарли томони шундаки, бундай қабиҳлик кам эмас, кўп эмас, роппа-роса уч йил давом этди. Санжар ва унинг хотини Заҳронинг бор-йўғини сўриб олди. Заҳронинг топган пули, йиққан бисоти нафс бандалари Санжар ва унинг хотинининг чўнтагига оқиб кираверди.

Заҳро бошига тушган бу кулфатни ота-онасига билдирмасликка уринарди. Аммо унинг беўхшов хатти-ҳаракати, доимо қўрқув ичида юришини кўриб, оила-аъзолари ҳушёр тортишди.

Бунинг устига бир кун Санжар яна Заҳрога қўнғироқ қилганида, телефонни унинг опаси Зуҳра олди. Санжар уни Заҳро деб ўйлади, шекилли, масхаралаб, устидан кула бошлади. Табиийки, унинг гапларига Зуҳра чидаб туролмай қарғашга тушди. Санжар эса, бунга жавобан яна суратлар ҳақида гапирди ва гўшакни қўйиб қўйди. Зуҳра нима гап эканини англолмай буткул довдираб қолди ва Заҳрони қистовга олди. Заҳро эса, ҳаммасини опасига айтишга мажбур бўлди.

Шундан сўнг улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилишди.

Шу тариқа эр-хотин Санжар ва Салиманинг қилмиши тўлиқ ошкор бўлди.

Суд ҳукми ўқилди. Санжар Усмонов Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбланиб, панжара ортидан жой олди. Салиманинг эса, аёллиги ва вояга етмаган фарзандлари борлиги инобатга олиниб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Санжар ва Салиманинг соддадил Заҳрога ўтказган зулм ва зўравонликлари барчамиз учун сабоқ бўлиши даркор.

**Исматулла МАМАНОВ,**
*Тошкент вилояти маъмурий судининг судьяси*

**Куч — адолатда**

*МУАССИС:*
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

9772181612006

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Козимджан КАМИЛОВ
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
**Тел.:** (0 371) 239-02-55, 239-02-54
**E-mail:** kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 10569
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 23.30. Топширилди: 3.00.